

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
АНДИЖОН МАШИНАСОЗЛИК
ИНСТИТУТИ**



**“РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТ ШАРОИТИДА ИЖТИМОИЙ
ҲИМОЯЛАШ МЕХАНИЗМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ”
МАВЗУСИДАГИ РЕСПУБЛИКА ИЛМИЙ-АМАЛИЙ
(ОНЛАЙН) АНЖУМАН**

МАҚОЛАЛАР ТЎПЛАМИ

26-27 апрель 2021 йил, Андижон



Андижон - 2021

УЎК: 56732(175:01)

КБК: 6856.221.32

“Рақамли иқтисодиёт шароитида ижтимоий ҳимоялаш механизмини такомиллаштириш” Республика илмий-амалий (онлайн) анжумани илмий мақолалар ва материаллари тўплами. – Андижон. АндМИ, 2021 й.

Мазкур тўпланда мамлакатимиз олимлари ва амалиётчиларининг “Рақамли иқтисодиёт шароитида ижтимоий ҳимоялаш механизмини такомиллаштириш” масалаларига бағишланган илмий мақола ва маърузалари умумлаштирилган.

Тўпланим 2021 йил 26-27 апрель кунлари Андижон машинасозлик институти томонидан ўтказилган “Рақамли иқтисодиёт шароитида ижтимоий ҳимоялаш механизмини такомиллаштириш” мавзусидаги Республика илмий-амалий (онлайн) анжумани материаллари асосида тузилган.

Анжумани материаллари тўпланим профессор-ўқитувчилар, ёш олимлар, тадқиқотчилар ва талабалар учун мўлжалланган.

Масъул муҳаррир
Таҳрир ҳайъати:

и.ф.н., доцент С.М.Аъзамов
и.ф.н., доцент Д.Исроилова
т.ф.н., доцент М.Юсупов
т.ф.н., доцент М.Каримова
и.ф.н., доцент Н.Х.Халилов
Б.Абдукаримов

Тақризчилар

и.ф.д., профессор Қ.Ҳ.Муфтайдинов
и.ф.д., профессор И.Умаров

Мазкур тўпланимга киритилган материалларнинг мазмуни, ундаги статистик маълумотлар ва меъёрий ҳужжатлар санасининг тўғрилигига ҳамда танқидий фикр-мулоҳазаларга муаллифларнинг ўзлари масъулдирлар.

А.И.Мухаммадислом	фойдаланиш самарадорлиги таҳлили.	
B.G.Abdukarimov, U.A.Xolbekov	Soliq tizimini isloh qilishda soliq yig'uvchilarni rag'batlantirishning avzalligi.	179
A.A.Sotvoldiev, A.Sh.Xoldarov	Kichik biznesni rivojlantirishning investitsion-huquqiy masalalari.	181
М.М.Мухтаров, С.О.Шокирова	Способы повышения эффективности привлечения и использования долгосрочных инвестиций.	183
М.М.Мухтаров, М.А.Акбаров	Рақамли иқтисодиёт шароитида инновацияни қўллашнинг хориж тажрибалари.	186
С.Юлдашева	Предпосылки перехода на мсфо и их использование для малого и среднего бизнеса.	188
A.Abdusamatov, Sh.Abdug'ofurov	Korxonalarda rahbar va mutaxassislarning zaxirasini shakllantirish masalalari.	192
3-шўба: Рақамли иқтисодиётни ривожлантиришда ижтимоий-гуманитар ва техник фанларнинг роли.		
S.Sh.Ro'zimatov	Raqamli iqtisodiyot tizimida axborot va tehnologik jarayonlarning ahamiyati.	195
О.Х.Пўлатова	Талабаларини самарали мулоқотга тайёрлашга педагогик мулоқотнинг аҳамияти.	197
Ф.С.Таяқова	Тадбиркорликнинг маънавий-маданий асослари.	201
С.М.Аъзамов, Н.Т.Сафина	Необходимость геймификации образовательного процесса.	204
D.B.Ahmadaliyeva	Iqtisodiy ta'lim jarayonida interfaol usullarni qo'llanilishi.	207
З.Анваржонова	Рақамли иқтисодиётнинг ўзбекистон республикаси иқтисодиётидаги ўрни.	210
Д.А.Ийманова, И.М.Акрамов	Ёшлар маънавиятини юксалтириш, уларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш бўйича ислохотлар.	214
А.А.Сатвалдиев	Раҳбарнинг касбий маҳорати.	217
А.А.Сатвалдиев	Раҳбар хотин-қизларнинг шахсий ва ижтимоий психологик жиҳатлари.	219
Б.Б.Якубова	Мустақил фикрлашнинг ўсишига таъсир этувчи омиллар.	221
Д.С.Рахмонова	Бўлажак педагогларнинг касбий компетентлигини шакллантиришда ижодий фаолиятнинг ўрни.	223
М.А.Каримова	Маърифат йўли оиладан бошланади.	227
Н.Қурбанова, Б.Солиев	Миллий ғоя – тарихан шаклланган ғоя.	229
М.Қ.Тўланов	Кадрлар билан ишлашда хориж тажрибаларидан фойдаланишнинг ўрни ва	232

texnologiyalar ishlab chiqilgan. Ko'pgina tadqiqotchilar o'zlarining asarlarida texnologiyalar jamiyatning qadriyatlarini qanday aks ettirishini ko'rsatdilar.

Agar bularning barchasi hisobga olinadigan bo'lsa, unda o'zgaruvchan ijtimoiy-iqtisodiy munosabatlar va raqamli iqtisodiyotni shakllantirishda texnologik omilni hal qiluvchi deb hisoblash juda qiyin.

Raqamli texnologiyalar asosida shakllangan ijtimoiy-iqtisodiy munosabatlarni aniqlashga turli xil yondashuvlarni ko'rib chiqqandan so'ng, hozirgi kunda ushbu masala bo'yicha etarlicha aniq, batafsil qoidalar ishlab chiqilmaganligi aniq bo'ladi. Aksariyat tadqiqotchilar miqdoriy xususiyatlarga e'tibor berishadi va bir qator miqdoriy ko'rsatkichlarga erishishda ma'lum vaqtlarda raqamli iqtisodiyot hukmronlik qila boshlaydi deb taxmin qilishadi.

Shu bilan birga, ma'lumotlar oqimining ko'payishining miqdoriy ko'rsatkichlari o'z-o'zidan oldingi tizimlar bilan uzilishni anglatmaydi. Savollar raqamli iqtisodiyotni sifatli o'zgarishni aylanma ma'lumotlarni, ularni qayta ishlashga jalb qilingan odamlarni, texnik vositalar, telekommunikatsiya uskunalari va boshqalarni hisoblash bilan oddiygina aniqlash orqali aniqlash mumkin degan taxmin asosida paydo bo'ladi. O'sha. bu erda biz ma'lumotlarning miqdoriy o'sishi qandaydir tarzda iqtisodiy tizimning sifat o'zgarishiga aylangan degan taxmin bilan shug'ullanmoqdamiz.

Shu sababli, texnologik taraqqiyotni tahlil qilish bilan bir qatorda, ko'payib borayotgan ma'lumotlarni sifatli tahlil qilish haqida gapirish kerakligi aniq bo'lib qoladi. Ma'lumot oqimlarining ko'payishi shunchaki miqdoriy omil va statistik o'lchovlarning predmeti emasligini anglash kerak. Shu bilan birga, ma'lum ma'lumotlarning iqtisodiy qiymatini hisoblashda, ularni qayta ishlash faoliyatining YaIMdagi ulushi, sub'ektning sifat xususiyatlari hisobga olinmaydi. Tizimda aylanib yuradigan barcha ma'lumotlar bir hil massa sifatida qaralganda va miqdorlar uchun mavjud bo'lganda.

Foydalanilgan adabiyotlar ro'yhati:

1. <http://tatuff.uz/raqamli-iqtisodiyot-taraqqiyotning-muhim-omili/>.
2. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2018 yil 28 dekabrda 2019 yil uchun eng muhim ustivor vazifalar haqidagi Oliy Majlisga Murojaatnomasi.
3. Ayupov R.X. , Baltabaeva G.R. "Raqamli valyutalar bozori: innovatsiyalar va rivojlanish istiqbollari". –Toshkent: "Fan va texnologiya" nashriyoti, 2018-yil, 99-bet.
4. Raqamli iqtisodiyot: muammolar va yechimlar. R.H.Ayupov, R.Baltaboeva. "Xalqaro moliya va hisob" ilmiy elektron jurnali.

ТАЛАБАЛАРИНИ САМАРАЛИ МУЛОҚОТГА ТАЙЁРЛАШГА ПЕДАГОГИК МУЛОҚОТНИНГ АҲАМИЯТИ.

Пўлатова Одинахон Хамидовна - Андижон машинасозлик институти

“Гуманитар фанлар” фанлар кафедраси катта ўқитувчи

Олий таълим муассасалари талабаларини самарали мулоқотга тайёрлашга доир амалга оширилаётган илмий изланишларда аниқ мақсадга

йўналтирилган модулли технологияларни ишлаб чиқиш, вербал ва новербал мулоқот воситаларининг умуминсоний ва миллий ахлоқий-эстетик жиҳатларини аниқлаш, бўлажак мутахассисларнинг шахслараро, маданиятлараро ҳамда оммавий мулоқот маданияти, модераторлик ва супервайзерлик қобилиятлари, тизимли таҳлил қилиш, мантикий фикрлаш ва моҳирона мунозара олиб бориш маҳоратини ривожлантириш каби масалалар долзарб аҳамият касб этмоқда.

Шундай экан, педагогик мулоқот-педагогик таъсирнинг ажралмас сифатидир. Бу педагог ва талабанинг таълим-тарбия жараёнидаги профессионал мулоқоти бўлиб, унда маълумот алмашинади ва талабаларга ўқув-тарбиявий таъсир ўтказилади. Бунда икки ёклама мулоқот юзага келиши лозим. Унинг асоси сифатида ўзаро ҳурмат ва ишонч хизмат қилади. Педагог талабалар билан мулоқотга киришиш жараёнида улардан ҳурмат кутади. Талабалар ҳам педагогдан ҳурмат ва ишончни талаб этадилар. Бу педагогик таъсирнинг самарали йўли бўлиб, тажрибали педагоглар болани ўз-ўзини ҳурматлашга асосланган ҳолда муносабатларни ташкил этадилар ва шу орқали ўзаро муносабатларни амалга оширадилар.

Мулоқотнинг ўзига хос 3 та даражалари мавжуд.

Булар: макро даражада (катта)-инсонлар билан мулоқот қилиш барча одоб-ахлоқ нормаларига суянган ҳолда амалга оширилади.

Мезо даражада (ўрта) - мулоқот маълум мавзу асосида кечади (масалан, аскияда маълум мавзудан чекинмаслик).

Микро даража (кичик) - мулоқотнинг оддий шакллари, савол-жавоб тариқасида юз беради. [1]

Мулоқотнинг турлари: шахслараро (инсон-инсон), шахсий-гуруҳий (гуруҳ-гуруҳ), оммавий коммуникация (радио, телевидение, рўзномалар ва журналлар) каби турлари мавжуд.

Ижодийлик ўзаро муносабатлардан бошланади. Ҳар бир педагог ўз тажрибасидан, услубидан келиб чиқиб болалар билан мулоқотда бўлиши лозим. Яъни ностандарт усулларни излаб топиши керак. Педагогик таъсир ҳам педагогик мулоқотдаги ижодийлик орқали амалга оширилади.

Ижодийликни амалга ошириш учун қуйидагиларга аҳамият бериш лозим:

- бир неча педагогларнинг дарсларини кузатиш, унда талабаларнинг кайфиятини, педагогнинг болалар билан бўладиган муносабатларини аниқлаш;
- педагогнинг дарсда қандай усулларни қўллаши, мулоқотни қандай ташкиллаштириш, ўқув-тарбиявий муаммоларни ечишини аниқлаш;
- ўзининг мулоқот технологиясини бошқа педагогнинг “технологияси”га таққослаши;
- тажрибали педагогларнинг тарбиявий соатларида катнашиш орқали мулоқот жараёнидаги талабаларнинг индивидуал хусусиятларини аниқлаш;
- ўзининг дарсидаги муҳити билан бошқа тажрибали педагогнинг дарсидаги муҳитни таққослаш орқали хулоса чиқара олиш [1].

Касбий-педагогик мулоқот-мураккаб ҳодиса. Шахс касбий- педагогик мулоқот қилишдан аввал ўз олдига бир неча вазифаларни қўяди.

Жумладан, мақсад қўяди, мулоқот қачон, қаерда, неча ёшлилар билан ўтказилишини режалаштиради. Педагогик мулоқотнинг энг муҳим босқичи - бу моделлаштириш ҳисобланади. Бу босқичдан муҳим, масъулиятли муаммони ҳал қилишда фойдаланилади. Масалан, дарсга тайёрланиш, маърузани режалаштириш ҳам шу босқичга киради. Биринчидан, дастурга мос равишда дарс лойиҳаси тузилади. Иккинчидан, талабаларнинг индивидуал хусусиятлари ҳисобга олинади. Учинчидан, дарс жараёнида қўлланиладиган таълим-тарбия усуллари танланади. Тўртинчидан, болани ақлий ривожланиш қобилияти ҳисобга олинади.

Иккинчи босқич-бу бевосита мулоқот босқичи. Буни “коммуникатив ҳужум”деб аташ мумкин. Чунки педагог тўлиқ ташаббусни ўз қўлига олиб дарс бошлайди. Учинчи босқич эса-бу мулоқотни бошқариш босқичи бўлиб, касбий коммуникациянинг муҳим таркибий қисмидир.

Касбий-педагогик мулоқотнинг вазифаси-технологияни ўзлаштириш бўлиб, унда педагог илиқ муносабатларни қўллай олади, натижада педагог шахси намоён бўлади.

Касбий-педагогик мулоқотнинг муваффақиятли бўлишида педагогнинг коммуникатив маданияти муҳим ўрин эгаллайди. Бола педагогнинг дилдан гапираётганлигини ҳис қилиб туриши керак. Бўлмаса кўнгилдагидек мулоқот амалга ошмайди. Айрим педагоглар болалар билан уларнинг ёшини ҳисобга олмасдан мулоқотда бўладилар. Педагог бола катта бўлаётганлигини сезиб турса, бу унинг мулоқот маданиятини шаклланаётганлигидан далолат беради[2].

Педагог коммуникатив маданиятга эришиш учун қуйидагиларга аҳамият бериши лозим:

- болани сабр-тоқат билан тинглаш маданияти;
- унга қизиқарли бўлмаса ҳам болани диққат билан тинглаш;
- бола зерикаётганлигини сезиб, мавзунини бошқа қизиқарли томонга буриб юбориш;
- суҳбатлашишдан аввал боланинг кайфиятини кўтаришга ҳаракат қилиш;
- бозор иқтисодиётига мос келадиган мулоқот маданиятини ўзлаштиришни таъминлаш каби мақсадлар қўйилади.

Педагог ўзи учун бошқалар билан бўладиган мулоқотни яхлит портретини тузиб олиши керак. Бу аудитория билан бўладиган муносабатларни ташкил қилишига ёрдам беради. Педагогик мулоқот-ўқув жараёнининг муҳим қисми [3].

Педагог, тарбиячи ва педагог коммуникатив фаолияти педагогик фаолиятдаги мулоқотда муҳим рол ўйнайди. Коммуникатив кўникма қуйидаги шаклларда намоён бўлади:

1. Кишилар билан мулоқотда бўлиш кўникмаси;
2. Талабалар билан биргаликдаги ижодий фаолиятни ташкиллаштириш кўникмаси;

3. Мақсадга йўналтирилган мулоқотни ташкиллаштириш ва бошқара олиш кўникмаси (уқуви).

Биз биламизки, мулоқотманд кишилар осон, тез, оператив билан мулоқотни ташкиллаштирадилар. Бундай кишилар ҳар доим коммуникативликнинг энг марказида туради. Педагогик фаолиятдаги мулоқотчанлик шахсий фазилат сифатидагина эмас, балки касбий-шахсий фазилат сифатида юзага чиқади.

Мулоқотчанлик кўп қатламли бўлиб, уни қуйидаги таркибий қисмларга бўлиш мумкин:

- 1) мулоқотга киришувчанлик-коммуникация жараёнидан қониқишни ҳис қила олиш қобилияти;
- 2) ижтимоий яқинлик-жамиятда бўлишга хоҳиш, кишилар орасида бўлиш истаги;
- 3) альтруистик (бошқалар манфаати учун ҳаракат қилиш, ёрдам бериш) йўналишлар.

Мулоқотга киришувчанлик. Педагогик фаолиятни ташлаб кетган педагоглардан сўровнома асосида олинганда маълумотларга кўра, уларда мулоқотчанлик сифатлари касбий фазилат сифатида шаклланмаган экан. Шу жумладан, кучсиз раҳбарларда ҳам худди шундай ҳолат кузатилган. Педагогик фаолиятдаги мулоқот узоқ, давомли мулоқотдир.

Педагогнинг коммуникатив фаолиятига унинг қобилиятлари ҳам қиради. Жумладан, дидактик (мавзунини тушунарли, содда тилда баён қилиб бера олиш), ҳиссий - иродавий таъсир эта олиш, перцептив - педагогик кузатувчанлик асосида талаба руҳиётига таъсир қилиш, экспрессив - нутқий, мимика, пантомимика асосида фикрнинг тушунтириш, коммуникатив - талабалар билан муносабатларнинг тўғри йўлга қўйиш, педагогик такт, талабчанлик қабилар. Кўриниб турибдики, барча педагогик қобилиятлар коммуникатив қобилиятлар билан боғлиқ.

Хулоса сифатида шуни таъкидлаш лозимки, педагог фаолиятда мулоқотнинг турли босқичларида ҳиссий жиҳатдан ўзини ҳис қилиш муҳим рол ўйнайди. У фаолиятга тайёрланиш жараёнида аудиториядаги мулоқотдан сўнг уни тадбиқ қилишда намоён бўлади. Тадқиқотларнинг кўрсатишича, коммуникатив руҳлантиришнинг вужудга келиши ва уни тадбиқ қилиш мураккаб жараёндир. Бевосита мулоқот жараёнида педагогда коммуникатив руҳланиш ҳолати юзага чиқади. Табиийки, коммуникатив ўзини ҳис қилиш педагогнинг умумий ва коммуникатив маданияти даражасига, энг муҳими- педагог шахсининг касбий-педагогик даражасига, талабалар билан ишлаш хоҳиш-истагига боғлиқ.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Э. Ғозиев Мулоқот психологияси. Т.: Университет, 2000 й.
2. Д.Рахмонова “Педагогнинг креативлик потенциали –таълим-тарбия сифатини таъминлаш омили” Илмий мақола Наманган-2020 №3 454-457бет.
3. Б.Якубова CONCEPT AND ROLE OF THE GAME OF EDUCATION OF THE IDENTITY OF THE STUDENT Илмий мақола Т.: Педагогика ва

ТАДБИРКОРЛИКНИНГ МАЪНАВИЙ-МАДАНИЙ АСОСЛАРИ.

Таляқова Ферузахон Султановна - Андижон машинасозлик институти
Гуманитар фанлар кафедраси катта ўқитувчиси

Бугун юртимизнинг қайси манзилга борманг, у ёки бу тадбиркорлик билан шуғулланаётган кишилар кўплаб учрайди. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик аҳоли ҳаётида тобора мустаҳкамланиб бораётганига гувоҳ бўламиз. Зотан, шаклан кичик бўлишига қарамасдан, ушбу бизнес иқтисодиётимизни барқарор ривожлантириш, аҳолини иш билан таъминлаш ва халқ фаровонлигини юксалтиришда катта аҳамият касб этмоқда.

Тадбиркорлик ва хусусан оилавий тадбиркорликнинг ижтимоий самарадорлиги унинг маънавият ва маданият билан узвий алоқадорлигида ҳам намоён бўлади. Оилавий тадбиркорликда жамият маънавияти ва маданияти акс этади: “оилавий бизнес, тадбиркорлик ва оилавий корхона фаолиятининг ижтимоий-иқтисодий асоси асрлар давомида шаклланиб келган шарқона қадриятлар, ахлоқий тамойиллар ҳисобланган орият, номус, меҳр-шафқат, мурувват, поклик, ҳалоллик, диёнат, собр-тоқат, ишонч, қут-барака, адолат, ҳалимлик, эзгулик каби хусусиятлар билан уйғунлашиб, оила аъзоларининг кундалик фаолияти, инсоний муносабатининг асосини ташкил қилади”[1]. Аини пайтда оилавий тадбиркорлик жамият маънавияти ва маданияти ривожланишига жиддий таъсир ўтказади.

Тадбиркор учун хос бўлган муҳим хусусиятлардан бири атрофдаги воқеликка амалиёт нуқтаи назаридан муносабатда бўлишдир. Бундай муносабатни Макс Вебер “Оқилона амалиётчилик” деб атаган эди. Бундай амалиётчилик ҳаёлий эмас, реал натижаларга эришишни кўзда тутаяди. Оқилона амалиётчилик кўзланган натижаларга, мақсадга энг мувофиқ ва фойдали йўл билан эришишга интилади.

“Агар жамият ҳаётининг танаси иқтисодиёт бўлса, унинг жони ва руҳи маънавиятдир. Биз янги Ўзбекистонни барпо этишга қарор қилган эканмиз, иккита мустаҳкам устунга таянамиз. Биринчиси – бозор тамойилларига асосланган кучли иқтисодиёт. Иккинчиси – аждодларимизнинг бой мероси ва миллий қадриятларга асосланган кучли маънавият” [2]-деб таъкидлаган эди Президентимиз Ш.Мирзиёев.

Хўжалик фаолияти юритаётган шахс доимо фойда тўғрисида ўйлайди, кўпинча унинг маънавий-ахлоқий масалалар тўғрисида бош қотиришга вақти бўлмайди. Бир қарашда у тадбиркорнинг амалий эркинлигидан фойдаланади, лекин олий маънавий моҳиятга ҳар доим ҳам эътибор бермаётгандай туюлади. Аслида унинг ҳаракатлари негизида унинг ижтимоий қадриятларни, ҳуқуқий меъёрларни қай даражада ўзлаштиргани ва уларга амал қилиши ётади.